

ОИЛАДА
БОШЛИҚ
КИМ

ЛАТИФАЛАР

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2007

Тўпловчи:
Маҳмуд АБУЛФАЙЗ

ISBN 978-9943-08-229-8

© «Оилада бошлиқ ким». «Янги аср авлоди»,
2007 йил

* * *

Автомашинада кетаётган эр-хотин ниманинг-дир устидан ўзаро жанжаллашиб борардилар. Бир қишлоқдан ўтаётганларида иккита чўчқага кўзлари тушди. Шунда аёл деди:

– Менимча, мана булар сенинг қариндошларинг бўлса керак?

– Худди шундай, улар менинг қайнонам ва қайнотам бўладилар.

* * *

Икки адвокат қаҳвахонага ташриф буюрадилар ва ўзлари билан олиб келган ичимликлар ва бутербродни стол устига қўядилар.

– Кечирасизлар, – дейди шунда бармен уларга, – бизда ўзи билан овқат олиб келиб ейиш мумкин эмас.

Шунда адвокатлар бир-бирларига қарадиларда, бутербродларни алмаштириб ея бошладилар.

* * *

Колумб кашф қилгунга қадар америкаликлар Европада яшашга мажбур эдилар.

* * *

- Бу ерда неча киши ишляяпти?
- Бригадир билан қўшиб ҳисоблаганда ўн киши.
- Бригадирни қўшмаганда-чи?
- Агар бригадирни қўшмайдиган бўлсак, унда ҳеч ким ишламайди.

* * *

- Қўзиқорин териш учун қаерларга борасиз?
- Қўшнилари пешайвонига бораман.
- Қизиқ, улар ўша ерда қўзиқорин ўстиришадими?
- Йўқ, қуритишади.

* * *

Агар босқинчилар ташқаридан туриб эшикни синдира бошласалар, сиз ичкаридан синдиришни бошланг. Бу ишингиз ёмон ниятли кишиларни қўрқитмаганда ҳам иккилантириб қўяди.

* * *

Мураббий тоғда юрган сайёҳларга шундай маслаҳат беради:

- Бу жудаям хавфли чўққи. Фалокат юз бериб, арқон узилиб кетгудек бўлса, пастга парвоз чоғида ўнг тарафга қаранг: кўз олдингизда ажойиб бир гўзаллик намоён бўлади...

* * *

Футбол матчи давомида бир киши бор овози билан бақириб турди. Охири қўшнисига хириллаб деди:

– Назаримда мен овозимни йўқотганга ўхшайман.

– Овозингизни менинг қулоқларимдан қидиринг, қулоқларимдан.

* * *

Кенгуру шундай дерди:

– Икки фарзанд кўриш менинг чўнтагимга ҳам, ҳисоб-китобимга ҳам тўғри келмайди!..

* * *

Зиёфат чоғида ашаддий овчи ва саёҳатчи бир жаноб ўзининг ғалабалари билан роса мақтанарди:

– Ишонасизми, азизларим, кунларнинг бирида Африкада тиш-тирноғигача қуролланган эллик чоғли одамхўр-негрни чопишга мажбур қилдим.

– Оҳ, худойим-ей! – ҳайқиради таъсирчан бир хоним, – жаноб, эллик нафар негр дедингизми? Даҳшатку, бу!

– Балки ундан ҳам кўп бўлиши мумкин, – дея ҳикоясини давом эттирди жаноб. – Қандай қилиб дейсизми? Мен қочдим, улар эса ортимдан югурдилар.

* * *

Полицияга кўнғироқ бўлади.

– Зудлик билан Капуцин хиёбонидаги бешинчи уйнинг тўртинчи қаватида жойлашган чапдаги хонадонга одам юборсангиз. Бир аёл эрини қўлига дуч келган нарса билан аёвсиз

калтаклаяпти. Шўрлик эри эса жон-жаҳди билан бақирмоқда.

– Қўнғироғингизни қабул қилдик. Одамларни юборяпмиз. Хўш, сиз ўзи кимсиз? Уларнинг қўшнисимисиз?

– Йўқ. Калтаклаётган аёлнинг эри бўламан.

* * *

Полиция маҳкамасидаги телефон жириглайди.

– Ёрдам беринг, ёрдам беринг! – дейди биров гўшакдан. – Ёрдам беринг!

– Ҳозир етиб борамиз, – жавоб қилади инспектор. – Айтинг-чи, нима бўлди ўзи?

– Хонага мушук бостириб кирди!

– Қўйсангиз-чи, жаноб, бунақа арзимаган нарсалар билан полицияни безовта қилмайдилар. Кимсиз, ўзи?

– Қанақасига ким? Тўтиман, албатта!

* * *

Доктор:

– Хоним, барча нарсага тайёр турибсиз, деб ўйлайман?

Бемор:

– Доктор, наҳотки ўламан?..

Доктор:

– Йўқ, ўлмайсиз, лекин мен сизга энг қиммат дорини ёзиб бераман.

* * *

Кичкина болакай илк бор мактабга келади.

– Отинг нима? – сўрайди ундан ўқитувчи.

Бола жим.

– Хўш, унда айт-чи, онанг дастурхонга овқат олиб келганида нима деб чақиради?

– Жаноб, у мени ҳеч нарса деб чақирмайди, бу пайтда мен ўзим дарҳол етиб бораман.

* * *

Бир франциялик беш йил давомида велосипедда Швейцария чегарасидан ўтарди. Ҳар гал ўзи билан бир тугунча олиб борарди. Божхона ходими эса одатдагидек сўрарди:

– Тақиқланган бирон бир нарса олиб ўтаётганингиз йўқми?

Француз тугунни ечиб кўрсатарди. Унда эса бирозгина тош бўларди. Турган гапки, бундай юк учун бож тўланмасди.

Орадан беш йил ўтди. Божхоначи нафақага чиқиб кетди. Кунларнинг бирида ўша тош ташувчини учратиб қолди.

– Ана энди, сиз ҳар куни тош олиб велосипед сафарга чиққанингиз сирини айтарсиз?

– Мен велосипед сотардим...

* * *

Бемор аёлни кўриқдан ўтказган шифокор шундай деди:

– Сиз мутлақо соғломсиз. Сизга фақат очиқ ҳавода кўпроқ юришни, қишда эса қалинроқ кийинишни маслаҳат берардим.

Уйига келгач эри ундан шифокорнинг нима деганини сўради.

– Ёзда денгиз бўйларида дам олиб ҳордиқ чиқаришни, қишда эса қундуз ёқали пальто кийиб юришимни маслаҳат берди.

* * *

Монте-Карлодаги қиморхонадан ўйинда омади чопган бир киши хурсанд ҳолда чиқиб келарди. Чўнтаклари пулга тўла эди.

Баногоҳ қоронғулик қаъридан овоз келди:

– Жаноб, қўлида тўппончасидан бошқа ҳеч вақоси бўлмаган бир гадойга пулдан ёрдам бермайсизми?

* * *

Париждаги полиция маҳкамасида телефон жириглади. Нариги тарафдан бир эркак киши хабар қилади:

– Бугун соат иккида Булон ўрмонида дуэл бўлиши ҳақида сизларни огоҳлантирмоқчи эдим.

– Жаноб, бундан аллақачон хабаримиз бор, – жавоб қилди навбатчи. – Сизнинг шеригингиз бу ҳақда бизга ярим соат аввал хабар қилган эди.

* * *

Суд маҳкамасида суд бўляпти. Эр хотини билан ажралишмоқда. Аёл дейди:

– Муҳтарам судья, бизни ортиқча саволларсиз ажратиб қўйсангиз ва шу билан ишлар тезроқ тугаса.

Судья дейди:

– Нима бўлганда ҳам яхшилаб ўйлаб кўринг. Ахир қачонлардир сиз уни қандайдир бир фазилатлари учун севгансиз, турмушга чиққансиз.

Аёл жавоб қилади:

– Тўғри, фазилатлари бор эди, лекин у уларни буткул сарфлаб бўлди.

* * *

Қиз йиғлаган куйи қайлиғининг кўксига бош кўяди.

– Нима бўлди сенга, севгилим?

– Бугун отамнинг батамом банкрот бўлгани ҳақида хабар топдим.

– Қанақа ифлос одам ўзи у? Мен унинг бизни қачон бўлса ҳам ажратиб юборишини, ҳар қандай пастликдан ҳам тоймаслигини билардим-а...

* * *

Бир хоним буюртма асосида ўзининг портретини чизаётган рассом билан суҳбатлашарди:

– Демак, сизнинг гапингизга қараганда менинг суратим жудаям яхши чиқди?

– Худди шундай, хоним. Сиз унда ҳатто ўзингизни ўзингиз таниёлмай қоласиз.

* * *

Автомобилни бошқариб бораётган аёл йўл қоидасини бузади. Шунда уни полициячи тўхтади:

– Хоним, афсуски, йўл қоидасини буздингиз. Мен барча ҳужжатларингизни олиб қўйишга мажбурман.

– Кечикдингиз, – деди аёл нозу фироқ билан, – ҳужжатларимни икки соат аввал шаҳарга кираверишда касбдошингиз олиб қўйган эди.

* * *

Икки дўст учрашиб қолишди. Улардан бири яқиндагина уйланган эди.

– Дўстим, сени табриклайман! Хўш, оилавий ҳаётингиз қандай бўлаяпти? Луиза билан иккин-гиз ажойиб жуфтлик бўлдингиз! Энди бахтли яшаётган бўлсангиз керак, шундайми?

– Албатта. Фақат... уйландим, бахтли яшаётган эса Луиза.

* * *

Икки севишган ёш қўлтиқлашиб олганча хиёбонда сайр қилиб юрарди.

Қиз йигитдан сўрайди:

– Жоним, сенга чиройли қизлар ёқадими ёки ақли қизлар?

Йигит жавоб қилади:

– Азизим, унисиям, бунисиям ёқмайди. Биласанми, мен фақат сени севаман.

* * *

Бир француз майхонада ўтириб сархуш ҳолатда минғирлайди:

– Энди менинг дўстларим ҳам йўқ, ҳаммаси ўлиб кетишди... Тамом, энди дўстларим йўқ



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq
versiyasi

<https://kitobxon.com/oz/asar/1725>
saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг
тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1725>
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок.
Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1725>